

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ” ДМ

КОСБЕРГЕНОВ КУАТБАЙ МАУЛЕНБЕРГЕН УЛИ

**ҚОРАТОВ ТОҒЛАРИНИНГ КИЧИК ИНТРУЗИЯЛАРИ, ДАЙКАЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ МАЪДАНДОРЛИГИ (ЖАНУБИЙ НУРОТА)**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2023

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geological-mineralogical sciences**

Косбергенов Куатбай Мауленберген ули

Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари, дайкалари ва уларнинг
маъдандорлиги (Жанубий Нуратау)..... 3

Косбергенов Куатбай Мауленберген улы

Малые интрузии, дайки гор Каратау и их рудоносность
(Южный Нуратау)..... 19

Kosbergenov Kuatbay Maulenbergen uli

Small intrusions, dikes of the Karatau mountains and their ore possibility
(Southern Nuratau)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ” ДМ

КОСБЕРГЕНОВ КУАТБАЙ МАУЛЕНБЕРГЕН УЛИ

**ҚОРАТОВ ТОҒЛАРИНИНГ КИЧИК ИНТРУЗИЯЛАРИ, ДАЙКАЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ МАЪДАНДОРЛИГИ (ЖАНУБИЙ НУРОТА)**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/GM146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти Давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ingeo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ишбаев Халбай Жангирович геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мамарозиков Усмонжон Довронович геология-минералогия фанлари доктори Диваев Фарид Карирович геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	«Регионалгеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузуридаги DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «31» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 262-65-16; факс: (99871) 262-63-81; E-mail: ingeo@ingeo.uz).

Диссертация билан Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 262 62 55.

Диссертация автореферати 2023 йил «07» март куни тарқатилди.
(2023 йил «07» мартдаги 11 рақамли реестр баённомаси)




А.К.Нурходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.


Э.М.Амиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)


Р.Ахунджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида сўнги йилларда олтин, нодир металллар ва нодир ер элементлари маъданлашувини қидириб топишнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида турли кичик интрузиялар ҳамда плутоник ва субвулканик дайкаларнинг ҳосилаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари ушбу ҳосилаларнинг магма ҳосил бўлиш манбалари, фойдали қазилмалар конларини ҳосил бўлишдаги роли каби бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилишга ва уларни башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон миқёсида гипабиссал (кичик) интрузиялар ва дайкаларнинг ҳосилалари бўйича шуни кўриш мумкинки, дайкали мажмуаларнинг формацион бўлинишини, уларнинг эндоген маъданлашув билан генетик алоқадорлигини аниқлаш бўйича бир қатор мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, диоритли порфиритлар, лампрофирлар дайкалари ва кичик ўлчамдаги интрузиялари билан олтин, кумуш, полиметал ва нодир ер элементлари маъданлашувлари боғлиқлиги, ҳамда эндоген маъдан конларни қидиришда илмий асосланган мезонлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Ғарбий Тиён-Шоннинг Марказий Қизилқум, Нурота, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Жанубий Ҳисор ва Чотқол-Қурама минтақалари атрофидаги олтин маъданли ва нодир металллар конларидаги кичик интрузия ва дайкаларни ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, янги петрографик ҳосилалар турлари (лампроитлар, лампрофирлар, ва бошқалар) ва уларнинг эндоген маъданлашув ҳосил бўлишдаги роли аниқланди. Янги турдаги дайкалар ва кичик интрузияларни аниқлаш, уларнинг маъдандорлигини, маъданлашув билан ўзаро алоқаларини ўрганиш, қидириш омилларини ишлаб чиқиш, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш, жадаллаштириш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Қоратов тоғларидаги дайкалар ва кичик интрузияларни петрографик ва петрогеокимёвий хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578 сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401 сон “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60 сон Фармони.

минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация ишининг тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарбий Ўзбекистоннинг олтин маъданли ва нодир метали конлари ҳудудида, жумладан, Нурота ҳудудида чўзилган дайкали камарлар ва тўдалар ташкил этувчи дайкали мажмуалар кенг ривожланган. Уларнинг умумий туркумлаши, ёши, ҳосил бўлиш кетма-кетлиги, генезиси, маъдандорлиги ва маъданлашув билан алоқаси ҳали ҳам етарлича ўрганилмаган. Шу муносабат билан, ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун Ҳ.М.Абдуллаевнинг петрометаллогения илмий мактаби издошлари дайкали ҳосилаларни режа асосида илмий тадқиқот ўтказишмоқда (Р.Ахунджанов, Х.Д.Ишбаев, У.Д.Мамарозиков, Ф.К.Диваев, А.М.Мусаев, М.С.Карабаев, Ф.Б.Каримова А.Ҳ.Шукуров, Н.Р.Далимов, А.А.Курбонов ва бошқалар). Қайд этиш жоизки, Нурота тоғларидаги дайкали ҳосилаларни ўрганишда Х.М.Абдуллаев (1957), И.Х.Хамрабоев (1958, 1965, 1990), Д.М.Огарёв (1970ф), И.В.Мушкин (1979), З.А.Юдалевич (1975), Р.Ахунджанов (1978, 1986), Х.Т.Туляганов (1984), А.М.Мусаев (1984), А.В.Клипенштейн (1979), А.В.Головко (2005), Ф.К.Диваев (1996), А.Х.Шукуров (2019) ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

Дайкаларнинг, айниқса лампрофирлар ва лампрофир магмаларининг мустақиллиги ҳақида кўплаб ишлар мавжуд (Абдуллаев, 1957; Хамрабоев, 1958; Мушкин, 1979; Мусаев, 1984-1985; Ушаков ва бошқалар., 1989; Ахунджанов, 2013; Каримова, 2020; Ишбаев ва б., 2020 ва бошқалар), бу ишларда айтилишича, бу дайкаларнинг ёриб чиқиши рифтогенез ва континентал литосферанинг ёрилиб парчаланишини кўрсаткичи эканлиги, уларнинг келиб чиқиши оралик (периферик) магма камералари билан боғлиқлиги, яъни дала шпатли лампрофирлар қобик ичидаги оралик камералардан, ишқорли турдагилари эса қобик ости ёки мантиянинг юқорисидаги оралик камералардан ҳосил бўлиши аниқланган.

Эришилган амалий натижаларга қарамай, алоҳида майдонлардаги кичик интрузиялар, дайкалар ва уларнинг маданлашув билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №290 “Ўзбекистоннинг тоғ-маъданли худудлари тоғ жинслари, минераллари ва маъданларининг эталон наъмуналар коллекциясини, ҳамда уларнинг электрон базасини яратиш” (2021-2023 йй.)” ва №286 “Ўзбекистон магматик жинслари петротурлари Атласини тузиш (II босқич)” (2019-2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қоратов тоғларининг плутоник ва субвулканик дайкали ҳосилалари ва кичик интрузияларининг геологик-петрографик, петрокимёвий, геокимёвий хусусиятлари ва маъдандорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қоратов олтиндор камарининг кичик интрузиялари ва дайкали ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрокимёвий ва геокимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Қоратов интрузияси гранитоидларидаги дайкали ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрокимёвий ва геокимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари, плутоник ва субвулканик дайка ҳосилаларининг петрографик ва генетик турлари ҳамда маъдандорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти Қоратов тоғларидаги тарқалган кичик интрузиялар ва турли хил таркибли дайкалар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўрта ишқорли кварцли диоритлар ва гранит-порфирлар кичик интрузиялари, диабаз, диабазли порфиритлар, диоритли порфиритлар, микродиоритлар, кампто-спессартитлар, спессартитлар, керсантитлар, гранит-порфирлар, риолит-порфирлар ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда тоғ жинсларидаги сульфидларни петрогенезисини ва камёб ва нодир элементларнинг таркибини аниқлашда ICPE-9000 спектрометрда ICP-MS усуллари, минералларнинг кимёвий таҳлили Jeol-8800Rh (Япония) электрон микроанализаторида, Optiphot 2 Pol ва Полам Р-311 микроскопларда шаффоф шлифлар тавсифланган ва петрографик, минералогик, петрокимёвий ва геокимёвий тадқиқотлар натижалари компьютер дастурлари (Excel, Petro Explorer) ёрдамида қайта ишланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қоратов тоғларидаги кичик интрузиялар ва дайкаларнинг петрографик ва петрогеокимёвий хусусиятлари аниқланган;

илк бор геологик жойлашуви ва петрологик-геокимёвий маълумотларга кўра, кварцли ўрта ишқорли диоритлар (Қорамачит танаси) ва гранит-порфирларнинг (Сармич танаси) кичик интрузиялари Сармич дайкали мажмуасига тааллуқлиги асосланган;

илк бор Қоратов интрузиясида оҳакли-ишқорли (дала шпатли) лампрофирлар оиласига мансуб керсантит дайкаси аниқланган;
дайкалар ва кичик интрузияларнинг генетик турлари ажратилган ва уларнинг маъдандорлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари:

кичик интрузиялар ва дайкалар ҳосилаларининг геологик, петрологик ва геохимёвий хусусиятлари ва уларнинг маъдандорлиги, шунингдек, олтин минераллашувига алоқаси аниқланган;

дайкалар ва кичик интрузияларнинг генетик турлари ажратилган;

кичик интрузиялар ва плутоник дайкаларнинг намоён бўлиш мустақиллиги, уларнинг геологик ўзаро алоқалари, таркибининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва камерал шароитда тўпланган материаллар ва ўтказилган лаборатория тадқиқотлари, жумладан, 98 та намуналар олинган, 180 м, микропетрографик кесмалар, 750 м петрографик профиллар ўтказилган, 11та силикат таҳлиллар, 80та ICP-MS спектрал таҳлиллар, 94 та шаффоф ва 29 та сайқаланган шлифлар тайёрланган, шунингдек, 13 та микрозонд таҳлиллар ўтказилган, турли диагностик жадвалларида таҳлил қилинган, жинсларнинг стандарт минерал таркиби учун мўлжалланган кимёвий таҳлиллар ўтказилганлиги билан асосланади. Лаборатория маълумотлари, ICP-MS ва силикат таҳлиллари “Ўздавстандарт” томонидан сертификатланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси лабораторияларида олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик интрузиялар ва дайкали ҳосилаларнинг геологик-петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий хусусиятларига кўра мазкур олинган натижалар Жанубий Нуротада маъданлашувни қидириш ва башорат қилишда қидирув омили сифатида изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, дайкалар ва кичик интрузияларнинг моддий таркиби ва структуравий ҳолати Фарбий Ўзбекистон худудининг кумуш, нодир метал, нодир ер ва бошқа металлларга маъдандорлиги бўйича илмий-тематик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қидирув омили ҳисобланади, Қоратов тоғларидаги Қоратов олтиндор камарининг металлогеник ихтисослашувида дайкаларнинг индикатор ролини ўрганиш натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси экспедицияларида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари ва дайкали ҳосилаларини ўрганиш натижалари асосида:

Қоратов тоғларида кичик интрузиялар ва дайкаларининг петрографик ва петрогеохимёвий хусусиятларининг батафсил тавсифи ҳақидаги маълумотлар “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар

қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3495-сон маълумотномаси). Натижада кичик интрузиялар ва дайкаларнинг геологик-петрографик ва петрогеокимёвий хоссалари бошқа худудлардаги муқобил дайкалар таркибини қайта қўриб чиқишга ва минтақада магматик мажмуаларнинг ҳосил бўлишини батафсил тавсифлашга имкон берган;

Кварцли ўрта ишқорли диоритларнинг (Қорамачит танаси) ва гранит-порфирларнинг (Сармич танаси) кичик интрузиялари таркиби бўйича далиллар “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3495-сон маълумотномаси). Натижада, кичик интрузиялар ва уларнинг мустақиллиги Молғузор тоғларидан Ауминзатовгача чўзилган ордовик-силур олтиндор камар билан боғлиқ минераллашув башоратига асосланган геологик ва петрологик-геокимёвий маълумотлар йирик миқёсли металлогеник ва геодинамик хариталар тузишда имкон берган;

Қоратов гранит интрузиясида биринчи марта аниқланган керсантитлар оҳак-ишқорли (дала шпатли) лампрофирлар оиласига мансублиги “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг геология-қидирув ишларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3495-сон маълумотномаси). Натижада, минтақанинг магматик мажмуаларида энг ёш дайкали ҳосилаларни аниқлашга имкон берган;

Кичик интрузиялар ва дайкаларнинг генетик турлари ва уларнинг Қоратов олтиндор камарида олтин минераллашуви билан генетик боғлиқлиги “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг геология-қидирув ишларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 04-3495-сон маълумотномаси). Натижада, кичик интрузиялар ва дайкаларнинг генетик турлари худудни йирик миқёсли хариталашда, минераллашувни қидириш ва башоратлашда қидирув омили сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 5 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 3 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда ва 11 та тезис конференция материалларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

Нурота худудидаги дайкали ҳосилаларини ўрганишда Ҳ.М.Абдуллаев (1957), И.Х.Хамрабоев (1958, 1965, 1990), Д.М.Огарёв (1970), И.В.Мушкин (1979), З.А.Юдалевич (1975), Р.Ахунджанов (1978, 1986), А.М.Мусаев (1984), В.А.Клипенштейн (1979), А.В.Головко (2005), Ф.К.Диваев (1996), Х.Д.Ишбаев (2007-2022), А.Х.Шукуров (2019) ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Шуни таъкидлаш керакки, дайкали ҳосилалар ва кичик интрузияларнинг генетик таснифлари ва уларнинг туркумлари Ҳ.М.Абдуллаев, И.Х.Хамрабоев, М.А.Фаворская, Ф.К.Шипулин, С.В.Ефремова ва бошқаларнинг асарларида берилган.

«Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари ва дайкаларининг геологик ва петрографик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобда петрографик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

“Кичик интрузия” атамаси биринчи марта геологик адабиётга 1929 йилда АҚШдаги маъданли конлардаги асос ва нордон дайкаларни белгилашда қўлланилган. Кейинчалик бундай таналар В.Линдгрэн, Д.Спёрр, А.Баддингтон, В.Эммонс (1926-1937 йй), Ю.А.Билибин, 1947; Бородаевская, 1955; Абдуллаев, 1957; Шипулин, 1965, И.Х.Хамрабаев ва б., 1988 ва бошқалар асарларида тавсифланган. Улар турлича талқин қилинган: плутоник синфга мансуб гипомагматик дайкалар, мустақил кичик интрузиялар, чуқурликдан келиб чиққан дайкалар, минтақавий тарқалган дайкалар ва бошқалар. И.Х.Хамрабоев ва бошқалар (1988) фикрича, *“Кичик интрузиялар деганда, асосан, ўрта ва нордон таркибга эга, лекин ҳар доим ишқорийлиги ортиб борадиган, одатда тектономагматик цикл ва фаоллашув жараёнида характерли (мис-порфир, нодир металл) металлогения билан кечки босқичларда юзага келадиган, йирик плутонлар ва вулқон кўринишларидан генетик жиҳатдан мустақил бўлган кичик ер юзига яқин бўлган таналар тушунилади.*

Геологик адабиётларда "Дайкалар" атамаси кенг қўлланилади, мазкур диссертация ишида биз Ҳ.М.Абдуллаевнинг систематикасидан фойдаландик 1) субвулканик, 2) гипабиссал, 3) плутоник ва 4) мустақил гуруҳ - кичик интрузиялар мажмуаси.

Қорамачит кварц-субишқорли диоритлар Қорамачитсой дарёсининг ўнг томонида 1136,2 м баландликдан жануби-шарқда жойлашган кичик (35x75 м) штоксимон шаклда Қоратов олтиндор камарида жойлашган. Диаметри 0,5 м бўлган шарлар билан псевдосферик ажралишлар (отдельность) билан тўқ кулранг ва кулранг кварцли ўрта ишқорли диоритлардан иборат.

Кварц-субишқорли диоритлар ташқи томондан тўқ кулранг, кулранг жинслар бўлиб, сульфидли уялар билан майда ўрта донадор тузилишга эга. Улар фаол равишда серицитлашган, карбонатлашган, хлоритлашган, альбитлашган, эпидотлашган, баъзан гнейслашган ва сланецлашган. Сферик шарсимон ажралишлар кузатилади.

Кварц-субишқорли диоритлар кулранг-яшил, майда ва ўрта донали гнейслашган жинслардир. Улар плагиоклаз (50-60%), роговая обманка (8-

10%), биотит (15-20%), калийли дала шпати ва кварц (тахминан 10%), акцессор минераллар (1,5-2%) - апатит, ильменит, ксенотим, циркон, рутил, магнетит ва бошқа сульфидли минераллардан (пирит) ташкил топган.

Микроскоп остида микрогранофир тузилиш мавжуд бўлиб, улар ичида плагиоклаз доналари пегматитли тузилиш билан ўралган, кварц ва альбит доналари бир-бири билан алмашинадиган радиал нурли - толали жойлашувга эга, буни Д.М.Огарев (1970) ҳам қайд этган. Мирмекит метасоматик муҳитда, одатда тектоник деформациялар билан биргаликда, у плагиоклазларнинг чеккаларида калийли дала шпати билан алоқа қилганда кузатилади, бу ерда эркин кварц ҳосил бўлиб, плагиоклазда чувалчангсимон ўсимталар ҳосил бўлади.

Шлифларда жуда кўп постмагматик ўзгаришларни кузатиш мумкин, гётит, серицит, хлорит ва шунингдек мирмекитланиш, бу тектоник деформация жараёнида плагиоклазларнинг альбитланишини, амфиболларнинг хлоритланишини кўрсатади, бу эса шток жинсларнинг гнейсланишига олиб келади ва ҳ.

Сармич субвулканик гранит-порфир танаси Қоратов олтиндор камарининг шимолий қисмида жойлашган (1-расм), шимоли-ғарбий субкентлик йўналишда ўтган узок фаолият юритувчи чуқур ер ёриғи бўйлаб гранит-порфир, риолит-порфир ва фельзит порфирлардан иборат дайкасимон таналар кузатилади. Сармичсойнинг ўнг томонида гранит-порфирлар ва фельзит-порфирлар жалатор свитаси ($O_{1-2}dz$) ётқизиқлари орасидаги ёриқ бўйлаб гантелсимон шаклидаги танани ҳосил қилади.

Макроскопик гранит-порфирлар яширин кристалли, асосий массаси фельзитсимон, унинг фонида калийли дала шпат, плагиоклаз, кварц ва биотитнинг фенокристаллари аниқ ажралиб туради. Фенокристаллар тоғ жинсларининг умумий ҳажмининг 5 дан 30% гача ташкил қилади.

Тоғ жинсининг ранги оч-сарик, пушти-сарик камроқ кулранг-сарик, кулранг. Тананинг ғарбий учида гранит-порфирлар кучли ўзгарган, кварц томирлари ва темир гидроксиди билан сингдирилган, бу ерда олтин ва унинг йўлдошларининг ортиб бораётган микдори кузатилади. Кварц томирлари гранит-порфирларни кесиб ўтади, уларнинг йўналиши ўзгарувчан (субкентлик ва субмеридионал) ва томирлар дайкалардан ташқарига чиқмайди.

Микроскопик жиҳатдан гранит-порфирлар порфир тузилишга эга ва асосий массаси микрогранит, баъзан микрофельзит тузилишга эга.

Диабазлар ва диабазли порфиритлар кумтош-сланецли ётқизиқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, улар шимоли-ғарбий йўналишдаги Сармич дайкали камарида жойлашган. Уларнинг қалинлиги 1,5 м дан 30 м гача, алоҳида қатламсимон таналар 600-650 x 25 м гача бўлади.

Ташқи томондан, улар майда донали тузилишга эга яшил-кулранг жинслардир. Микроскоп тагида тоғ жинслари асосан қолдиқ лепидогранобласт, баъзан офитли тузилишга эга бўлиб, янги ҳосил бўлган

минераллар – альбит, хлорит, кальцит ва маъданли минераллардан, баъзан эса кварц ва биотит аралашмасидан иборат бўлади.

Диоритли порфиритлар кембрий-ордовик чўкинди-метаморфик жинслари ва перм гранитоидларнинг орасида шимоли-ғарб, камдан-кам ҳолларда шимоли-шарққа йўналган, тик ётиш бурчаклари билан жуда кенг тарқалган. Дайкаларнинг қалинлиги бир неча метрдан 1-2 ўн метргача ўзгаради. Узунлиги дастлабки юзлаб метрларга етади. Сармичсойнинг қуйи оқимида (Сармич қишлоғидан пастда) диоритли порфиритларнинг дайкалари 560 м масофада 6 та дайкадан иборат қоратош свитаси (S_{1kr}) кумтош-сланец ётқизиқлари орасида шимоли-шимоли-ғарб йўналишида кичик дайкали камар ҳосил қилади. Дайкаларнинг қалинлиги 5,76 м дан 18 м гача. Кўксаройнинг ўрта оқимининг сувайирғичида Қоратов интрузивининг (P_1) биотитли гранитлари орасида улар ҳам 150-200 м масофада лампрофирлар билан бирга (дайкалар сони 5 дона) камар ҳосил қилади. Ташқи томондан, булар тўқ яшил, кулранг-яшил, майда, майда донали жинслар, яхлит ёки сланецлашган. Улар микропризматик донадор, порфир тузилишга эга ва асосий массаси (60-85%) фенокристаллардан (15-40%) иборат. Асосий жинс ҳосил қилувчи минераллар амфибол, биотит, плагиоклаз ва кварц; аксессуар минераллар: апатит, сфен, ильменит, пирит, галенит, сфалерит, халькопирит, циркон, ортит, ксенотим ва монацитдан иборат.

Лампрофирлар, асосан, кампто-спессартитлар, спессартитлар ва керсантитлар каби оҳак-ишқорли (дала шпатли) хиллари билан ифодаланади.

Кампто-спессартитлар майда донадор тўқ яшил жинслар бўлиб, асосий массаси фонида роговая обманка фенокристаллари мавжуд. Тоғ жинслари порфир тузилишга эга, плагиоклазлар (40%), керсутит (25-30%), авгит (5-10%), хлорит (10%), кальцит (8%) дан иборат бўлган призматик донадор асосий массасига эга. Аксессуарлар орасида алланит, халькопирит, циркон, сфен ва бошқаларни қайд этиш мумкин, улар микрозонд ёрдамида таҳлил қилинган.

Спессартитлар. Спессартит дайкалари Ўртасой дарёсининг ўрта оқимида Қоратов интрузиясининг шимоли-ғарбий қисмида энг кўп тарқалган бўлиб, у ерда шимоли-шарқий йўналишида кичик дайкали камарини ҳосил қилади. Дайкаларнинг қалинлиги ўзгарувчан 0,4 м дан 3,20 м гача. Микроскоп остида спессартитлар лампрофирли, баъзан трахитоидли структурага эга бўлиб, призматик донадор асосий массасига эга. Спессартитларнинг порфир ажралмалари (тоғ жинсларининг 20% гача) оддий роговая обманка (40-50%), плагиоклаздан (35-55), калийли дала шпатидан, кварцдан (1,5-2% гача) ва биотит варақчаларидан иборат.

Керсантит дайкалари биринчи марта Қоратов интрузиясида биотитли гранитлар ичида аниқланди. Бу тик ётувчи тана бўлиб, шимоли-шарққа (35-40°) йўналган, қалинлиги 1,5 дан 10 м гача, узунлиги 500 м гача. Керсантит кулранг, яшил кулранг бўлиб, асосий массаси майда донали, порфир ажралмалар плагиоклаз ва биотитнинг 1 см гача ва ундан йирик ўлчамдаги

варақчаларидан иборат. Жинснинг асосий массаси плагиоклаз, биотит, карбонат, кварц ва камдан-кам амфиболлардан ташкил топган. Биотит фенокристаллари чеккаси бўйлаб хлорит ривожланган. Акцессор минераллар апатит, ильменит, сфен, циркон ва пирит билан ифодаланади.

Риолит-порфир дайкалари биотитли гранит интрузивининг шарқий ва ғарбий экзоконтакт қисмларида жойлашган. Улар шимолга, шимоли-ғарбий томонга қалинлиги 12 м гача бўлган дайкаларни ҳосил қилади. Кўринишидан майда криптокристалли асосий массасидаги кварц фенокристаллари ўзига эътиборни тортади.

Гранит-порфир дайкалари Сармичсойнинг чап томонида жойлашган бўлиб, қалинлиги 15 м гача бўлган, баъзи жойларда 4-6 м гача, кенглик йўналиши бўйича 8 км гача чўзилган, характерли кварц томирлари зинапояли кўринишда кузатилади. Микроскоп остида структураси порфирли, микроёзувли баъзан бир хилмас. Фенокристаллар тахминан 30-32% ни ташкил қилади ва плагиоклаз, калийли дала шпати, кварц ва камдан-кам ҳолларда биотитдан иборат. Акцессор минералларга апатит, циркон, рутил ва бошқалар киради.

Учинчи бобда **«Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари ва дайкаларининг петрокимёвий хусусиятлари»** келтирилган.

Қорамачит танасининг кварц-ўрта ишқорли диоритлари юқори глинозёмли ($al' > 1,0$) бўлиб, калий-натрийли серияга мансуб. Норматив таркибга кўра, улар гиперстен-корундлиги билан тавсифланади. Қоратов интрузивининг биотитли гранитлари ортоклаз-диопсидли, бу уларнинг магмалари турли манбадан эканлигини кўрсатади.


Алюминий таркибининг ҳисобланган глинозёмлик коэффициентига кўра, Сармич танасининг гранит-порфирлари жуда глинозёмли ($al' > 1,0$) ва ортоклаз-корунд нормативли ҳисобланади.

Диабазлар ва диабазли порфиритлар дайкали ҳосилалар орасида энг қадимги бўлиб, таркибида кремний (48-51%), алюминий ($al' > 0,75-1,0$), кальций оксидларининг камлиги ва калий-натрий тури билан титан, магний ва ишқорлар оксидларининг кўплиги (1,5% гача) билан ажралиб туради.

Диоритли порфиритлар ўзгарувчан кимёвий таркиб билан ажралиб туради, деярли барча оксидлар жуда катта фарқ қилади, масалан, кремнийнинг миқдори мос равишда 58 дан 68% гача, ТАС диаграммасида нуқталар нормал ва ўрта ишқорли қаторли диоритлар ва гранодиоритлар майдонида тўғри келади (2-расм), улар ортоклаз-гиперстен норматив таркибли ҳисобланади.

Лампрофирлар кампто-спессартитлар, спессартитлар ва керсантитлар билан ифодаланади. Тас диаграммада субишқорли габбродан, диоритлар орқали габбро-монзонитлардан то граносиенитларгача аниқ майдонларни ҳосил қилади, плагиоклазларга нисбатан рангли компонентлар (роговая обманка) устунлик қилади.

Гранит-порфирлар калийли ишқорли турдаги жинслар майдонига тушади ва калийнинг натрийдан устунлиги билан характерланади. Норматив таркибга кўра, улар корунд-гиперстенли ва мос равишда алюминий оксиди ($al' > 2-10$) жуда юқоридир.



2-расм. Қоратов тоғидаги тоғ жинслари учун TAS-диаграмма.

1 – диабазли порфирит, 2 – диоритли порфирит, 3 – гранит-порфир, Сармич дарёсининг пионер лагеридан юқорида, 4 – кампто-спессартит, 5 – спессартит, 6 – риолит-порфир, 7 – биотитли гранит (асосий фаза), 8 – диоритли порфирит, 9 – гранит-порфир, 10 – спессартит, 11 – керсантит.


Норматив таркибга кўра, риолит-порфирлар корунд-гиперстен ва шунга мос равишда алюминий оксиди ($al' > 2-10$) жуда юқори. Улар титан, алюминий, темир, магний ва калий оксидларининг камроқ миқдори билан гранит-порфир дайкаларидан фарқ қилади.

Тўртинчи боб «Қоратов тоғларида кичик интрузиялар ва дайкаларнинг ҳосил бўлиш шароити ва генезиси» учта бўлимдан иборат бўлиб, унда кичик интрузиялар, дайкалар ва уларнинг табиати, генетик турлари ва маъдандорлиги кўриб чиқилади.

Ҳ.М.Абдуллаевнинг генетик систематикасига кўра, Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари ва дайкалари ёши ва таркиби жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Улар орасида шартли равишда тўртта генетик гуруҳни ажратиш мумкин: 1) вулканоген мажмуаларнинг илдизлари билан боғлиқ бўлган субвулканик (диабазлар, диабазли порфиритлар, гранит порфирлар, риолит-порфирлар, фельзит-порфирлар), 2) гипабиссал - плутоник (гранит-порфирлар, лейкократли гранитлар, аплитлар ва пегматитлар) мажмуаларининг томирли ҳосилалари бўлган дайкалар; 3) плутоник – юқори ер қобиғи ости магматик камералари (диоритли порфиритлар, микродиоритлар, кампто-спессартитлар, спессартитлар, керсантитлар) билан боғлиқ бўлган дайкалар ва 4) мустақил гуруҳ - вулқон ёки интрузив

мажмуалар билан алоқаси йўқ (кварцли субишқорли диоритлар, гранит-порфирлар) кичик интрузиялар мажмуаси билан боғлиқ дайкалар.

Қоратов тоғларидаги кичик интрузиялар ва дайкаларнинг табиати. Сармич дайкали камарининг (Қоратов олтиндор камари) дайкалари ва кичик интрузияларининг қамровчи жинслари ордовик-силур даври қумтош-метаморфик ҳосилалар бўлиб, улар Молгузор тоғларидан Маржонбулоқ орқали Ауминзатовгача чўзилган Зарафшон чуқур ер ёриғида жойлашган (3-расм).



3-расм. Молгузор ордовик-силур чўкинди-метаморфик олтиндор камарининг Нурота тоғларида тарқалиш схемаси.

1 – ордовик-силур чўкинди-метаморфик ҳосилалари, 2 – карбон-перм гранитоидлари, 3 – апоперидотитли серпентинитлар намоёнлари, 4 – кичик интрузиялар, 5 – ер ёриқлари, 6 – олтин намоёнлари.

Бу камар ичида асос, ўрта ва нордон таркибли (диабазлар, диоритли порфиритлар, риолит ва гранит-порфирлар, лампрофирлар ва бошқалар) дайкалар ва кичик интрузиялар ҳосил бўлган.

Ўрганилаётган дайкалар ва кичик интрузиялар Қоратов олтиндор камарида жойлашган бўлиб, Сармич диабаз-диорит-гранитоидли дайкали мажмуасига тегишлидир ва, назаримизда, катта олтиндор камарнинг бир қисми ёки давоми ҳисобланади.

Дастлабки толеит базальт магмасидан Молгузор мажмуасининг габбро, габбро-долеритлари пайдо бўлган, кейинчалик магма камераси литосферанинг юқори қатламларига кўтарилиши туфайли ўрта ва нордон таркибидаги кичик интрузиялар ва дайкалар шаклида бутун камар бўйлаб ҳосил бўлган.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар асосида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Қоратов тоғларининг кичик интрузиялари ва дайкали ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий хусусиятлари аниқланди. Биринчиси – кварцли субишқорли диоритлар, гранит-порфирлар, иккинчиси эса – диабаз, диабазли порфиритлар, диоритли порфиритлар, кампто-спессартитлар, спессартитлар, керсантитлар, гранит-, риолит-порфирлар ва бошқалар билан ифодаланган.

2. Биринчи марта геологик жойлашуви, петрологик ва геохимёвий маълумотларга кўра, кварц-субишқорли диоритларининг кичик интрузиялари (Қорамачит танаси), гранит-порфирлар (Сармич танаси) Сармичсой дайкали мажмуасига тааллуқлиги аниқланди. Шунга ўхшаш жинслар Молгузор тоғлари ичида ҳам аниқланган бўлиб, улар ягона олтиндор камар ичида жойлашган; уларнинг ҳосил бўлиши гипабиссал шароитда (1-1,5 км чуқурликда), вулканизм жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлган, охириларининг маҳсулотлари Молгузор тоғларида сақланиб қолган. Кичик, ноёб ва нодир ер элементларининг тарқалиши нуктаи назаридан, кўриб чиқилган жинслар Қоратов интрузиясининг биотитли гранитларидан кескин фарқ қилади. Кварц-субишқорли диоритлар As, Se, Sb, Вi ва бошқаларнинг кларкка нисбатан юқорилиги билан тавсифланади, бу олтиндор камарга хосдир. Гранитлардаги ноёб ер элементлари учун салбий европий номёрилиги кузатилади, кварц-субишқорли диоритларда у мусбат бўлиб, уларнинг турли манбалардан эканлигини кўрсатади; Сармич субвулқон танаси турли субвулқон нордон жинслар – гранит-порфир, риолит-порфир ва фельзит-порфирлар, мустақил субвулканик мажмуа сифатида ажралиб туради ва Сармич дайкали мажмуасига киради.

3. Биринчи марта Қоратов гранитоид интрузивида лампрофир магмаларининг чуқур қобиқ ости камераларининг фаоллашуви билан боғлиқ бўлган сўнгги ҳосилаларга тегишли бўлган оҳак-ишқорли (дала шпатли) лампрофирлар оиласига мансуб керсантит дайкалари аниқланди. Керсантитларда литий, цезий, молибден, вольфрам, гафний, кумушнинг нисбатан юқори миқдори ва маргимуш, селен ва висмутнинг жуда юқори миқдори кузатилади. Ноёб ер элементларининг тарқалиш тенденцияларидан шундай хулосага келиш мумкинки, лампрофир эритмалари ноёб ер элементлари билан бойитилганлиги, бу ерда енгил лантаноидлар оғирларга нисбатан устунлик қилади, керсантитдаги заиф ифодаланган европий минимум субстратнинг дала шпатларининг кўплаб эриши билан изоҳлаш мумкин, чунки темир ва титаннинг юқори миқдорига эга бўлган биотитнинг фракцияси эритмада европий максимумининг пайдо бўлишига олиб келади. Ноёб ер элементларининг церий гуруҳининг тўпланиши керсантит таркибидаги дала шпатларининг кўпайиши натижасидир.

4. Қоратов тоғлари дайкалари ва кичик интрузияларнинг генетик турлари аниқланган, уларнинг ёши ва таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил бўлиб, улар орасида тўртта генетик гуруҳни шартли равишда ажратиш мумкин: 1) вулканоген мажмуаларнинг илдизлари билан боғлиқ бўлган субвулканик (диабазлар, диабазли порфиритлар, риолит,- ва гранит-порфирлар), 2) гипабиссал - плутоник мажмуаларнинг томир ҳосилалари (гранит-порфир, лейкогранит, гранит-аплит, аплит ва бошқалар) бўлган дайкалар; 3) плутоник - қобиқ ости магма камералари билан боғланган дайкалар (диоритли порфиритлар, кварцли диорит-порфиритлар, кампто-спессартитлар, спессартитлар, керсантитлар ва бошқалар) ва 4) мустақил гуруҳ - кичик интрузиялар мажмуаси (кварцли субишқорли диоритлар, гранит-порфир), вулкони ёки интрузив мажмуалар билан алоқаси йўқ. Дайкалар ва кичик интрузияларнинг барча генетик турлари ўзига хос - петрографик, геокимёвий ва маъдандорлиги каби хусусиятларга эга.

5. Сармич диабаз-диорит-гранитоидли мажмуанинг (силур-юқори девон) кичик интрузиялари ва дайкалари молибден, кўрғошин, вольфрам, гафний, кумуш, маргимуш, селен ва висмут учун ихтисослашган.

Қоратов интрузивининг гранитоидларидаги диорит порфиритлар, микродиоритлар ва лампрофирлар шартли равишда шимолӣ нурота диабаз-гранитоид-порфир дайкали минтақавий тарқалган мажмуасига (юқори перм-куйи триас) киради ва молибден, вольфрам, кумуш, маргимуш, селен, висмутга ихтисослашган.

Жанубий Тиёншон ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар (триас) мажмуасига тааллуқли кампто-спессартитлар молибден, рений, кумуш, маргимуш, селен, теллур ва висмутга ихтисослашган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И
ГЕОФИЗИКИ ИМЕНИ Х.М.АБДУЛЛАЕВА**

ГУ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ»

КОСБЕРГЕНОВ КУАТБАЙ МАУЛЕНБЕРГЕН УЛЫ

**МАЛЫЕ ИНТРУЗИИ, ДАЙКИ ГОР КАРАТАУ И ИХ
РУДОНОСНОСТЬ (ЮЖНЫЙ НУРАТАУ)**

04.00.03 – Геотектоника и геодинамика. Петрология и литология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.3.PhD/GM146

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институте геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ingeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Ишбаев Халбай Джангирович**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мамарозиков Усмонжон Довронович**
доктор геолого-минералогических наук

Диваев Фарид Карирович
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **ГУП «Регионалгеология»**

Защита диссертации состоится «31» марта 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 при Институте геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 262-65-16; факс: (99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@ingeo.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева (зарегистрирована за №11). (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 262-65-16.


Автореферат диссертации разослан «07» марта 2023 года.

(реестр протокола рассылки №11 от «07» марта 2023 года.)




А.К.Нурходжаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г-м.н.


Э.М.Амиров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.г-м.н.(PhD).


Р.Ахунджанов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.г-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой науке особое внимание уделяется изучению разнообразных малых интрузий, плутонических и субвулканических дайковых образований с целью разработки научных критериев для поисков и разведки золоторудных и редкометалльно-редкоземельных оруденений. Результаты этих изучений способствовали решению ряда важных проблем, таких как источники магмогенерации этих образований, их роль в формировании месторождений полезных ископаемых.

В настоящее время в мире проводятся целенаправленные исследования гипабиссальных (малых) интрузий и дайковых образований по выявлению формационного расчленения дайковых комплексов, выявлению их генетической связи с эндогенными оруденениями и т. д. В частности, особое внимание уделяется генетической связи золота, серебра, полиметаллов и редкоземельных элементов с дайками диоритовых порфириров, лампрофиров, а также отдельное внимание уделяется разработке научно обоснованных критериев поиска эндогенных рудных месторождений.

В республике появились работы по изучению малых интрузий и даек в пределах золоторудных и редкометалльных месторождений Центрально-Кызылкумского, Нуратинского, Зирабулак-Зиаэтдинского, Южно-Гиссарского и Чаткало-Кураминского регионов Западного Тянь-Шаня. В результате выявлены новые петрографические типы дайковых образований (лампроиты, лампрофиры и др.) и определена их роль в формировании эндогенного оруденения. Выявление новых типов даек и малых интрузий, определение их рудоносности, изучение взаимоотношений их с оруденениями, проводятся определенные работы по внедрению результатов на практике. В стратегии действий по дальнейшему развитию Нового Узбекистана Республики Узбекистан определены важные задачи по дальнейшему развитию, совершенствованию и ускорению геологической отрасли. В связи с этим представляется очень важным определение петрографических и петрогеохимических характеристик даек и малых интрузий гор Каратау.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 г. № ПП-3578 «О мерах по кардинальному улучшению деятельности Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам Республики Узбекистан», от 23 июля 2019 г. № 4401 «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 годы» и от 28 января 2022 г. «Кардинальное увеличение объемов геологоразведочных работ, широкое привлечение в сферу частных инвесторов и передовых зарубежных компаний» № ПФ-60 «О Стратегии¹ развития Нового Узбекистана на 2022-

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

2026 годы» и др., а также выполнению задач, соответствующих других нормативно-правовых документов, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. В пределах золоторудных и редкометалльных месторождений Западного Узбекистана, в т. ч. Нуратинского региона, широко развиты дайковые комплексы, которые образуют протяженные дайковые пояса, рои и пучки. Следует отметить, что в изучение дайковых образований Нуратинского региона существенный вклад внесли Х.М.Абдуллаев (1957), И.Х.Хамрабаев (1958, 1965, 1990), Д.М.Огарёв (1970ф), И.В.Мушкин (1979), З.А.Юдалевич (1975), Р.Ахунджанов (1978, 1986), Х.Т.Туляганов (1984), А.М.Мусаев (1984), В.А.Клипенштейн (1979), А.В.Головко (2005), Ф.К.Диваев (1996), А.Х.Шукуров (2019) и др. Общая систематика их, возраст, последовательность образования, генезис, рудоносность и отношение к оруденению еще недостаточно изучены. В связи с этим для решения этих проблем последователи петрометаллогенической школы Х.М.Абдуллаева начали проводить планомерные работы по изучению дайковых образований (Р.Ахунджанов, Х.Д.Ишбаев, У.Д.Мамарозиков, Ф.К.Диваев, А.М.Мусаев, Р.Т.Далимов, М.С.Карабаев, Ф.Б.Каримова, А.Х.Шукуров, Н.Р.Далимов, А.А.Курбанов и др.).

О самостоятельности лампрофириров и лампрофирировых магм существует множество работ в более поздних сообщениях (Абдуллаев, 1957; Хамрабаев, 1958; Мушкин, 1979; Мусаев, 1984-1985; Ушаков и др., 1989; Ахунджанов, 2013; Каримова, 2020; Ишбаев и др., 2020 и мн. др.), где отмечено, что внедрение таких даек – показатель рифтогенеза и раскола континентальной литосферы, происхождение их связано с периферическими магматическими камерами, полевошпатовые лампрофиры производятся из внутрикоровых, а более щелочные – из подкоровых или мантийных периферических камер.

Несмотря на достигнутые практические результаты, остается ряд нерешенных проблем, связанных с малыми интрузиями, дайками и их связь с оруденением на отдельных участках.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ организации, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ проектов Института геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева по темам: № 290 «Формирование эталонных коллекций образцов горных пород, минералов и руд горно-рудных районов Узбекистана, включающих их электронную базу (2021-2023 гг.)», № 286 «Составление Атласа петротипов магматических пород Узбекистана (II этап)» (2019-2023 гг.).

Целью исследования является выявление геолого-петрографических, петрохимических и геохимических особенностей плутонических и субвулканических дайковых образований и малых интрузий гор Каратау.

Задачи исследования заключаются в следующем:

